

5.6. Бажарилаётган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.

5.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни даво эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи бажарувчига ҳақ тўлайди.

VI. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.

6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг суммаси кечиктирилган сумма умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби.

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан ҳал этилади.

IX. Бошқа шартлар

9.1. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.

9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

9.4. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» томонидан тасдиқланиб Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

X. Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари.

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ
Мархамат туман Ободонлаштириш бошқармаси	“OASIS BUILD INDUSTRIES” МЧЖ
Мархамат туман Мустақилик кучаси	Мархамат тумани Мутақиллик кўчаси 69
Тошкент ш. Марказийбанк Тошкент Х.К.К.М	“Ипотека банк”Истиклол филиали
Газна Х/В: 23402000300100001010	Х/в: 2020 8000 0053 7372 6001
МФО: 00014; ИНН:201122919	МФО: 00068
ШХВ: 100020860032277045204110001	ИНН: 308382359
Мархамат туман буйича Ҳазначилик бўлинмаси	
ИНН: 204474502 МФО: 00014 ОКОНХ:90290	
Раҳбар: А.Кучкаров	Директор: О.Асқаров



Шартнома № 5/2022

(Смета хужжатларини бажаришга доир)

Андижон шаҳри

2022 йил 25 октябр

Андижон вилоят Мархамат туман ҳокимлиги “Ободонлаштириш бошкармаси” Низоми асосида иш юритувчи, компания раҳбари **А.Кучкаров** бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи ва «**OASIS BUILD INDUSTRIES**» МЧЖ номидан жамият Низоми асосида иш юритувчи директори **О.Асқаров** иккинчи томондан кейинги ўринларда «**Бажарувчи**» деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

I. Шартнома мазмуни.

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги иншоот қурилиш ишларининг смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

Иншоот номи :

Андижон вилояти Мархамат тумани Шомат МФЙ Ифтихор кўчасини 296 000 000 сўмлик жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш ишлари.

1.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартноманинг баҳоси.

2.1. Шартноманинг умумий қиймати **6 985 400** (олти миллион тўққиз юз саксон беш минг тўрт юз сўмни) ташкил этади.

2.2. Шартноманинг умумий қиймати ўзгарганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

III. Тўлов шартлари.

3.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан бўнак (аванс) ўтказди, бу **2 095 620** (икки миллион тўқсон беш минг олти юз йигирма) сўмни ташкил этади. Қолган тўлов 70 % **4 889 780** (тўрт миллион саккиз юз саксон тўққиз минг этти юз саксон) сўмни бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг амалга оширилади.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун туловни буюртмачи давлат бюджетидан маблағ ажратилганидан сўнг амалга оширилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари.

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган хужжатлари (лойихалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил 20-ноябр кунига ишларни тўлиқ Буюртмачига топширади;

- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;

- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;

- Ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур хужжатларни тақдим этади;

- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;

- бажарувчи томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;

- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойихалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш – топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4. Буюртмачи ҳисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

MT4236675241

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Xizmat ko‘rsatish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Marxamat tumani obodonlashtirish boshkarmasi tomonidan 21.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marhamat tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:**



G‘.A.UMAROV
26.10.2022